IQTIDOR AUDIT INFORM

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
“IQTIDOR-AUDIT-INFORM”
MA‘SULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
AUDITORLIK TASHKILOTI

100022 Toshkent sh., Qushbegi ko‘ch, 18 uy, Tel: 250-60-64
p/c 2020 8000 2047 0802 1001 ХАТБ Даврбанк Чиланзарский фил. МФО 01046 ИНН 206952776 ОКОНХ 84400 ОКЭД 69201

“Асака дон махсулотлари” акциядорлик жамиятининг 2021 йил 1 январдан 2021 йил 31 декабргача БҲМС асосида тайёрланган молиявий хисоботларини аудитнинг МАС асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра ижобий фикр билдирилган

Аудитор хулосаси

01 март 2022 йил

Тошкент шахри

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги “IQTIDOR AUDIT INFORM” аудиторлик ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йилнинг 15 июлда "371"- тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Аудиторлик ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 12 апрелда 00814-рақамли Лицензия берилган.

Аудиторлик ташкилотининг ҳисоб рақами № 20 208 000 204 708 021 001 "DAVR-BANK" ХЁАТБ Чилонзор бўлими (МФО- 01046) да фаолият кўрсатади.

Юридик манзили: Тошкент шахар Қушбеги кўчаси 18-уйда жойлашган.

Мен, маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Ф.К.Назирқулов (аудиторлик малака сертификати № 05553 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2018 йил 22 июлда берилган) “Асака дон махсулотлари” акциядорлик жамиятининг Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалари тўғрисидаги, Хусусий капитал ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботлардан иборат 2021 йил 31 декабр холатидаги молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини аниқлаш мақсадида аудиторлик стандартларининг харакатдаги стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект Ижро органининг жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонун хужжатларига мувофиқ тақдим қилинган молиявий хисоботларни тайёрланиши, дастлабки хужжатларнинг хаққонийлиги ҳамда ички назорат тизимининг таъминланганлиги учун жавобгардир.

Директор, Аудитор _____ Ф.К .Назирқулов

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Аудиторлик ташкилоти “Асака дон махсулотлари” акциядорлик жамиятининг илова қилинган 2021 йил молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларни барча мухимлилик жихатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва хаққонийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг харакатдаги стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бизга мижоз корхона молиявий ҳисоботларини жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақазо этади.

Фикр билдириш учун асос

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулохазамизнинг асосий предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисоботларни ишончлилиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, **“Асака дон махсулотлари”** акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр холатидаги молиявий ҳисоботлари барча мухимлилик жихатлари бўйича унинг молиявий холатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги “IQTIDOR AUDIT INFORM”

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор: **Ф.К.Назирқулов**

Директор, Аудитор _____ Ф.К .Назирқулов